

Адиб Машраб Бобоев ўз тенгдошлари орасида кўп киррали ижод сохиби эканлиги билан фаркланиб туради. У бир вақтнинг ўзида катталар ва болалар учун шеър ёзади — шоир. Айни пайтда хикоялар, киссалар муаллифи — носир, Яна сахна асарлари ёзади — драматург ҳам.

У 1941 йили Самарканд вилоятининг Поярик туманида оддий дехкон, богбон оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, жамоа хўжалигида аввал тракторчи, кейин эса кутубхоначи бўлиб ишлайди. 1958—1960 йилларда маданий-оқартув билим юртида, сўнг Тошкент Театр ва рассомчилик институти кечки бўлимида тахсил кўради. Институтни тугатгач, Самарканд вилояти халқ ижодий уйига рахбарлик қилади. Туман, вилоят, радио ва рўзномаларда мухбир бўлиб ҳам ўз фаолиятини давом эттиради. Тошкентга келгач, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида, Г.Гулом номи Адабиёт ва санъат нашриётида, «Ёш гвардия» нашриётида мухаррир, «Шарк юлдузи» ойномасида адабий ходим бўлиб ишлайди. Хозирги кунда шоир ва драматург Машраб Бобоев Маданият ишлари вазирлигида ишламоқда.

Машраб Бобоев шоир ва адиб сифатида 60-йиллардан бошлаб матбуотда кўрина бошлади. Унинг «Онамга хат» номи биринчи шеърини 1971 йилда нашр этилади. Сўнгра «Бахор кайфияти» (1972), «Сўз» (1978), «Олисдаги чирок (1981), «Багишлов» (1984), «Мен билган сир» (1991) каби бир канча шеърини тўпламлари босилади. Тўпландан ўрин олган деярли барча шеърларда шоир яхши одамлар, урф-одатлар, бегубор севги-мухаббат, келажак орзулар хақида тўлиб-тошиб куйлайди.

Машраб Бобоев болалар шоири сифатида «Пахта менинг — бахтим менинг» (1975) каби кизикарли шеърини мажмуа ҳам яратган.

Адиб ёш, истеъдодли драматург сифатида ҳам эл-юртга танилган адиблардан бири. У ўндан ортик сахна асарлари яратган бўлиб, булар орасида «Ўттиз ёшлилар» (1976), «Ер томири» (1979), «Гурунг» (1979), «Онаизор» (1985), «Яшасин, афанди» (1985), «Мушкул савдо» (1989) каби песалари кўпчиликка манзур бўлган. Драматург ушбу пьесаларни «Кани, менинг юлдузим» (1987), «Номсиз юлдузлар» (1991) номи билан тўплам холида нашр эттирган. Шулар катори «Ирода» (1986) номи телеспектакл, «Севги нидоси» (1991, «Сабъаи сайёр» асосида) телебалетининг ҳам муаллифидир.

У мохир таржимон, ўтли публицист сифатида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Хусусан, у В.Катаевнинг «Хаёл чечаклари» (1976), О. Чиладзенинг «Рангин дунё» (1973), М. Бсисунинг «Ташриф коғози» (1978) каби асарларини ҳам ўз тилига ағдарган. Машраб Бобоев кўп киррали ва сермахсул истеъдод эгаси сифатида хозирги адабий жараёнда ўз овозига эга адиблар сирасига қиради.